ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O‘zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№82 (1035)
2026 йил 25 сентябрь, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Ўзгаришлар рақамларда эмас, шаҳар қиёфасида намоён бўлмоқда





Энергетиклар шаҳри Ширинда 56 та кўп қаватли уйни янгилаш учун 48 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, шаҳар инфратузилмаси, спорт ва таълим объектларини ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда “Wang Da Rolling Steel” МЧЖ га 20 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритилиб, корхонада 350 та иш ўрни яратилган.



Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналист ва блогерлар учун ташкил этилган пресс-тур давомида маълум берилди. Иштирокчилар шаҳарда амалга оширилаётган ишлар билан жойида танишди.

Шаҳардаги янгиланишлар, аввало, кўп қаватли уйлар қиёфасида кўзга ташланмоқда. Амир Темур маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган 56 та кўп қаватли уйни янгилаш ишлари Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида уйларнинг ташқи фасадлари замонавийлаштирилиб, базальт қопламаси билан қопланмоқда. Ҳозирга қадар ишларнинг қарийб 60 фоизи бажарилди. Уйлар атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, замонавий ёритиш тизимлари ўрнатилмоқда, аҳоли учун дам олиш жойлари ташкил этилмоқда.

Шаҳар қиёфасини янгилаш билан бирга коммунал хизматлар барқарорлигини таъминлашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда Ширин шаҳри узлуксиз табиий газ билан таъминланган бўлиб, тармоқдан 5 минг 712 нафар истеъмолчи фойдаланмоқда. Уларнинг 5 минг 634 нафари аҳоли, 78 нафари улгуржи истеъмчилардир.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида электр энергияси ва табиий газ тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда.

2 →







Яшил ҳудудлар – гидроэнергетика объектларининг экологик қиёфаси

Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда ҳудудларни обод ва кўркам масканларга айлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мазкур эзгу ташаббусларнинг амалий ифодаси сифатида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тизимида ҳам ГЭСлар, гидроэнергетика каскадлари ва сув омборлари ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2026 йил баҳорги мавсумида Жамият тизимидаги ГЭСлар ва каскадлар, шунингдек, сув омборлари ҳудудларида жами 21 040 туп дарахт кўчати экилди. Шундан 7 836 тупини манзарали, 13 204 тупини эса мевали дарахт кўчатлари ташкил этди. Амалга оширилган ишлар натижасида баҳорги мавсум учун белгиланган режа 119 фоизга бажарилиб, энергетика объектлари ҳудудларининг яшил қопламини кенгайтириш, ободлигини янада яхшилаш ва экологик муҳитни соғломлаштиришга муносиб ҳисса қўшилди.

Шунингдек, Наманган вилоятининг Уч-қўрғон ва Норин туманларида янги ишга туширилган Қўғай-1 ва Қўғай-2 ГЭСлари ҳудудларида ҳам кўкаламзорлаштириш тадбирлари изчил амалга оширилиб, 500 тупдан ортиқ дарахт кўчати экилди. Экилган кўчатларни асраб-авайлаш, уларнинг яхши ривожланиши учун зарур шароитларни яратиш, мунтазам суғориш ва парваришлаш ишлари белгиланган тартибда олиб борилмоқда.

Бу каби амалий чора-тадбирлар нафақат энергетика объектлари ҳудудларини ободлаштириш, балки уларда экологик мувозанатни таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Касб-ҳунарли ёшлар – келажак бунёдкорлари

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг илм-маърифатли бўлиши билан бир қаторда замонавий касб-ҳунарларни эгаллашига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Навоий вилояти Конимех туманида ҳам ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларга замонавий билим ва кўникмалар бериш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Конимех тумани техникумида таълим жараёнида илғор педагогик ёндашувлар, замонавий компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларидан, шунингдек, интернет тармоғи имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда.

Техникум биноси 720 ўринга мўлжалланган бўлиб, муассасада 100 ўринли ётоқхона, 150 ўринли ўқув устахонаси, 60 ўринли ошхона ва 150 ўринли фаоллар зали мавжуд. Айни пайтда бу ерда 569 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларнинг 292 нафари 2026/2027 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган.

Техникумда “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш”, “Тракторчи-машинист”, “Электр жиҳозларига хизмат кўрсатиш”, “Ахборот воситалари ва тармоқлари оператори”, “Кимёвий таҳлил лаборанти”, “Компьютер-инжиниринг”, “Токарлик”, “Рақамли ахборотларни қайта ишлаш” ҳамда “Металларга қайта ишлов бериш” каби йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда.



▲ Конимех тумани техникумида. Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат.

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Соҳадаги назорат ва ижро интизоми таҳлил қилинди



Қорақалпоғистон Республикасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари бошчилигида ўтказилган йиғилишда тизимда бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликлар батафсил кўриб чиқилди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Йиғилиш давомида объектларда қурилиш сифатини таъминлаш, кўп квартирали уйлар фондини асраш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини кузатиб бориш, шунингдек, ичимлик ҳамда оқова сув тизимларига оид назорат тадбирларида айрим ҳудудларда йўл қўйилаётган нуқсонлар кескин танқид қилинди. Бундан ташқари, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш даражасини ошириш, назорат тадбирлари самарадорлигини кучайтириш, сансалорлик ҳолатларига чек қўйиш ҳамда топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда ҳудудий бўлинмаларнинг ҳисоботлари тингланиб, йўл қўйилган сусткашликлар ва муаммолар чуқур таҳлил этилди. Айрим ҳудудий инспекциялар томонидан назорат тадбирларини ташкил этишда масъулиятсизликка йўл қўйилгани ва ижро интизоми суст аҳволда экани алоҳида кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган ва фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Йиғилиш якунида соҳада давлат назорати самарадорлигини ошириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ходимларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш ҳамда топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.



Ўзгаришлар рақамларда эмас, шаҳар қиёфасида намоён бўлмоқда







1

Ёшлар учун спорт инфратузилмасини кенгайтириш мақсадида Ширин шаҳар болалар-ўсмирлар спорт мактабида янги ёпиқ кураш зали қурилмоқда. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида барпо этилаётган иншоот учун 1 миллиард 648 миллион сўм маблағ ажратилган.

15х30 метр ўлчамдаги, 100 нафар ёшга мўлжалланган зални жорий йил ноябрь ойида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ҳозирда спорт мактабида 1 минг 130 нафар ёш спортнинг турли йўналишларига жалб этилган.

– Янги зал ёшларни спортга янада кенгроқ жалб этиш ва машғулотларни сифатли ташкил қилиш учун қўшимча шароит яратади, – деди спорт мактаби директори Зафар Тўхтаров ЎзА мухбири Ғулом Примовга. – Таълим соҳасида ҳам инфратузилмани янгилаш ишлари давом этмоқда. 2025 йилда реконструкция қилинган 1-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти 2026 йилда фаолиятини бошлади. 170 нафар болага мўлжалланган муассасада тарбияланувчилар учун зарур шароитлар яратилган.

Шаҳар иқтисодий ҳаётида саноат ишлаб чиқариши алоҳида ўрин тутади. Қарийб 14 гектар ҳудудда жойлашган “Wang Da Rolling Steel” МЧЖ қурилиш соҳаси учун қора металл маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 200 минг тоннани ташкил этади.

2026 йилнинг январь-август ойларида корхонада 140 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида жорий йилда 20 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритилди. Корхонада 350 та иш ўрни яратилган.

Маҳсулотлар ички бозорга етказиб берилиши билан бирга, уларнинг бир қисми Тожикистонга экспорт қилинмоқда.

Корхона директори Чен Зонг Жианнинг таъкидлашича, лойиҳани амалга ошириш учун Ширин шаҳрида зарур инфратузилма ва шароитлар мавжуд.

Пресс-тур иштирокчилари шаҳар ҳаётининг турли йўналишларига оид объектларда бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишишди. Кўп қаватли уйлар, коммунал тармоқлар, спорт ва таълим муассасалари ҳамда саноат корхоналарида жараёнлар шаҳардаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларини кўрсатди.

Тадбир якунида Ширин шаҳар ҳокими Дилфуза Қамбарова иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Унда шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

– Ислоҳотларнинг натижаси, аввало, инсон ҳаётида намоён бўлиши керак. Ширинда амалга оширилаётган ишлар ҳам одамлар учун муносиб шароит яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш, оилалар даромадини ошириш ва шаҳарни янада обод қилишга қаратилган. Бугун кўриб танишган ўзгаришлар ҳали бошланиши, холос. Олдимизда қатор вазифалар турибди. Энг муҳими, янгиланишлар нафақат шаҳар қиёфасида, балки ҳар бир оила ва инсон ҳаётида сезилиши керак. Бу борадаги ишларни изчил давом эттирамиз, – деди шаҳар ҳокими.

Пресс-турда журналистлар шаҳар ҳаётининг турли йўналишларига оид саволлар билан мурожаат қилишди. Саволларга жавоб бериш асносида мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш чоралари ва келгусидаги режалар хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Янги лойиҳа ва инвестициялар – эртанги кун учун пойдевор

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, замонавий инфратузилмани шакллантириш, аҳоли учун қулай ва муносиб яшаш шароитларини яратиш борасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, қурилиш соҳасига замонавий ёндашувларни жорий этиш, янги турар жой массивлари ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳудудларнинг келажакдаги қиёфасини белгилаб бермоқда.



Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бундай йирик лойиҳалар Сирдарё вилоятида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳрида барпо этилиши режалаштирилган “Янги Ўзбекистон” массиви мастер-режа лойиҳаси ҳудудни замонавий шаҳарсозлик тамойиллари асосида ривожлантиришга қаратилган муҳим лойиҳалардан биридир.

Мазкур лойиҳа доирасида жами 57 гектар ҳудудни комплекс ўзлаштириш кўзда тутилган. Мастер-режада турар жой бинолари билан бир қаторда таълим, тиббиёт, спорт, маданият, савдо ва дам олиш масканларини ўз ичига олган яхлит шаҳар инфратузилмасини яратиш назарда тутилган. Лойиҳага кўра, умумий ҳудуднинг 18,96 гектари (32,14 фоизи) турар жой ҳудудларига ажратилган. Бу ерда жами 4 420 та хонадондан иборат замонавий ва қулай турар жой бинолари барпо этиш режалаштирилган. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида ҳудудда тахминан 14 544 нафар аҳоли учун қулай яшаш муҳити яратилади.

Шунингдек, мастер-режада ёш авлод таълим-тарбияси учун зарур шароитларни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мактаб ва боғча ҳудудлари 4,81 гектарни, яъни умумий майдоннинг 8,15 фоизини ташкил этади. Бу эса янги массивда истиқомат қилувчи оилалар учун таълим муассасаларининг қулай ва яқин жойлашувини таъминлашга хизмат қилади.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати – спорт инфратузилмасининг ривожлантирилишидир. Мастер-режада 3,86 гектар ҳудудда Гандбол маркази барпо этилиши кўзда тутилган. Мазкур мажмуа аҳолининг, айниқса, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва спорт тадбирларини ўтказиш учун замонавий имконият яратади. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида 0,87 гектар ҳудудда поликлиника ташкил этилиши режалаштирилган. Бу янги массив аҳолиси учун тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб, ҳудуд инфратузилмасининг муҳим таркибий қисмига айланади. Маданий-маърифий ва жамоат тадбирларини ўтказиш учун мастер-режада 4,83 гектар майдонда Кўргазмалар маркази ташкил этилиши белгиланган. Шунингдек, 0,52 гектар ҳудудда меҳмонхона барпо этилиши кўзда тутилган. Бу объектлар ҳудуднинг нафақат яшаш, балки ишбилармонлик, маданий ва жамоат фаолияти марказига айланишига замин яратади.

Замонавий шаҳарсозликнинг муҳим талабларидан бири – аҳолига яшил ва очиқ жамоат маконларини яратишдир. Шу нуқтаи назардан, лойиҳа таркибида 14,66 гектар марказий хиёбон, шунингдек, 5,82 гектар яшил ҳудуд кўзда тутилгани алоҳида аҳамиятга эга. Парклар, аллея, болалар майдончалари ва дам олиш масканлари аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун қулай шароит яратади.

Мастер-режа доирасида транспорт инфратузилмаси ҳам эътибордан четда қолмаган. Умумий ҳудуднинг 2,67 гектари транспорт инфратузилмасига ажратилган бўлиб, лойиҳа таркибида автотураргоҳлар ҳам барпо этилиши режалаштирилган. Бу эса янги массивда транспорт ҳаракатини тартибга солиш ва аҳоли учун қулайлик яратишга хизмат қилади. Лойиҳа бўйича қурилиш майдони 75 943 квадрат метрни ташкил этади. Унда турар жой бинолари билан бир қаторда мактаб, боғча, Гандбол маркази, меҳмонхона, поликлиника, Кўргазмалар маркази, автотураргоҳ, парк, амфитеатр, ресторанлар, болалар майдончалари ва аллея каби объектларни барпо этиш кўзда тутилган.

Бу каби лойиҳалар қурилиш соҳасини ривожлантириш билан бирга, унга боғлиқ кўплаб тармоқларнинг ҳам фаоллашувига хизмат қилади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ободонлаштириш, архитектура ва лойиҳалаш хизматлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси учун янги имкониятлар юзага келади. Энг муҳими, йирик қурилиш лойиҳалари янги иш ўринларининг яратилишига ва маҳаллий иқтисодий фаолликнинг ошишига замин яратади.

Сирдарё вилояти мисолида қаралганда, замонавий қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш ҳудуднинг шаҳарсозлик қиёфасини янгилаш, аҳоли учун қулай яшаш муҳитини шакллантириш ва инвестицион жозибадорликни оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. “Янги Ўзбекистон” массиви мастер-режаси ҳам айнан шу мақсадларни ўзида мужассам этган комплекс лойиҳалардан биридир.

Бугун қурилаётган ҳар бир бино ва иншоот эртанги кун учун хизмат қилади. Шунинг учун замонавий турар жойлар билан бир қаторда мактаб, боғча, тиббиёт муассасаси, спорт ва маданият объектлари, яшил ҳудудлар ҳам бир бутун тизим сифатида лойиҳалаштирилиши муҳим. Бундай ёндашув инсон манфаатларини марказга қўйган ҳолда, қулай, хавфсиз ва замонавий шаҳар муҳитини яратиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, янги лойиҳалар ва инвестициялар – бу фақат бугунги кун бунёдкорлиги эмас, балки келажак тараққиётига киритилаётган сармоядир. Гулистон шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массиви каби йирик лойиҳалар орқали замонавий турар жойлар, ижтимоий объектлар, спорт ва маданият масканлари, яшил ҳудудлар ҳамда транспорт инфратузилмасини ўзида мужассам этган янги шаҳар муҳити шакланмоқда.

Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишлари ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини ошириш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган инфратузилмани яратишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бугунги бунёдкорлик – эртанги куннинг мустаҳкам пойдеворидир.

Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш, маҳалла еттилиги тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш, мавжуд имконият ва ресурсларни сафарбар этган ҳолда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва озодалик маданиятини ҳаёт тарзига айлантириш ҳамда аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзида хал этиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Мазкур топшириқлар ижроси доирасида воҳанинг Ангор тумани маҳаллаларида ҳам қизғин ишлар олиб борилмоқда.

Маҳалла аҳоли фаровонлигини оширишнинг бош бўғинига айланяпти



Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Инсон қадри, унинг қувончу ташвишлари, орзу интилишлари аввало ўзи яшаётган маҳаллада намоён бўлади. Шу боис бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим бўғини ҳам маҳалладир. Ангор тумани маҳалларида амалга оширилаётган ишлар фикримизни тасдиқлайди. Бугунги кунда тумандаги 36 та маҳаллада 26,2 минг хонадонда 35,7 минг оила, 150,3 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллабай ишлаш тизими асосида ҳар бир ҳудуднинг салоҳияти, муаммолари ва ривожланиш имкониятлари таҳлил қилиниб, аниқ манзилли чоралар кўриляпти. Маҳаллаларнинг 29 таси яшил, 4 таси сариқ ва 3 таси қизил тоифага ажратилган бўлиб, ҳар бир маҳалла бўйича алоҳида дастурлар асосида иш олиб борилмоқда.

Ангор туманидаги Юқори Хўжа қия маҳалласида ҳам аҳоли бандлигига кўмаклашиш, қолаверса, маҳалла еттилиги фаолиятини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур маҳалла тумандаги намунали масканлардан бири ҳисобланади. У Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла дастурига киритилган бўлиб, бугун бу ерда кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Обод кўчалар, замонавий инфратузилма маҳалланинг бугунги қиёфасини белгилаб турибди.

Маҳаллада “Ҳар бир оила тадбиркор” тамойили асосида аҳолини даромадли меҳнатга жалб этиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга ошириляпти. Маҳалла еттилиги ва мутасаддилар кўмагида кўплаб фуқаролар ўз бизнесини йўлга қўйган. Маҳаллада томорқа маданияти ҳам янги босқичга кўтарилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Маҳалла аҳолиси ўз томорқаларида сабзавот, полиз, мевали дарахтлар ва кўчатлар етиштириб, йил давомида бир неча марта ҳосил олмоқда. Натижада нафақат улар ўзини, балки қўшниларни ҳам иш билан таъминлаб, маҳалла иқтисодиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Маҳаллада бирдамлик бўлса, тадбиркорлик қўллаб-қувватланса ва озодалик ҳаёт тарзига айланса, нафақат битта маҳалла балки бутун ҳудуд тараққий этади. Энг муҳими, ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир имконият аввало инсон манфаатига хизмат қилмоқда. Маҳаллабай ишлаш тизими эса бу мақсадни ҳаётга татбиқ этаётган энг самарали механизмлардан бирига айланди. Ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг тегишли қарори асосида Ислом тараққиёт банки иштирокидаги қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида Ангор туманидаги 9 та маҳаллага жами 162,4 млрд сўм маблағ йўналтирилди. Мазкур маблағлар ҳисобидан маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун қулай ва янада замонавий яшаш шароитларини яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугун маҳаллада ресурс ҳам ваколат ҳам етарли. Ангор туманидаги маҳалла еттилиги фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва ижтимоий кўмак кўрсатиш ишлари янги босқичга кўтарилган. Ҳар бир хонадоннинг муаммоси имконияти ва салоҳияти ўрганилиб, индивидуаллашув асосида ечим топилмоқда.

Бугун маҳаллага бўлган эътибор аввалгидан бутунлай бошқача. Энди маҳалла фақат мурожаатлар қабул қилинадиган маскан эмас, у бандлик яратиладиган, тадбиркорлик ривожлантириладиган, қамбағаллик қисқартириладиган ва ҳар бир оиланинг даромадини оширишга хизмат қиладиган бош бўғинга айланяпти.

Пешкудаги ўзгаришлар – инсон манфаатига хизмат қилмоқда

Ҳудуддаги ўзгаришни фақат янги бино ёки таъмирланган иншоот билангина ўлчаб бўлмайди. Чунки ҳар бир қурилиш ортида одамларнинг кундалик ҳаёти, фарзандларининг таълими, оила аъзоларининг саломатлиги билан боғлиқ эҳтиёжлар турибди. Бухоро вилояти Пешку туманида бугун олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам, аввало, шу эҳтиёжларга жавоб беришга қаратилган.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бухоро вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Ҳаёт Давлатов Пешку тумани ҳокими Анвар Ҳамроев билан биргаликда маҳаллалардаги қурилиш-таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. “Бобоҳожи”, “Хоркаш”, “Зандани” ва “Дўстлик” маҳаллаларидаги ижтимоий соҳа объектларида амалга оширилаётган ишлар, уларнинг сифати ва белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ўрганилди.

Ўрганишлар давомида таълим муассасаларининг ҳолати эътибор марказида бўлди.

Маълум бўлишича, “Дўстлик” МФЙдаги 20-сонли умумтаълим мактаби биноси ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган. Сўнгги йилларда унинг моддий-техник ҳолати таълим жараёни учун мослаштиришни талаб қиладиган даражага келган. Ўқувчилар сонининг ошиб кетиши натижасида дарслар икки сменада ташкил этилган. Айни кунларда ноқулайликларни олдини олиш мақсадида таъмирлаш ишлари йўлга қўйилган. Бинони янгилаш ва капитал реконструкция қилиш учун 6 миллиард 180 миллион сўм маблағ ажратилган. Ушбу лойиҳани “Галаосиё лойиҳа” МЧЖ ишлаб чиққан, қурилиш-таъмирлаш ишларини эса “Музаффар ХК” мутахассислари олиб бормоқда. Ишлар белгиланган қурилиш меъёрлари ва талаблари асосида ташкил этилган.

Шунингдек, “Чеғирчи” МФЙдаги 47-сонли умумтаълим мактабида ҳам шундай янгиланиш жараёни кетмоқда. Бу ерда мактабни капитал таъмирлаш билан бирга қўшимча ўқув биноси қуриш ишлари давом этмоқда. Ҳозирга қадар “Бухара новострой” МЧЖ бинокорлари томонидан белгиланган ишларнинг қарийб ярми бажарилган. Лойиҳани амалга ошириш учун 12 миллиард 300 миллион сўм йўналтирилган.



Тумандаги ўзгаришлар таълим даргоҳларини яхшилаш билан чекланиб қолмаган. Аҳоли учун тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва шароитини яхшилашни кўзлаб, бир қатор тиббиёт муассасаларида ҳам қурилиш ва реконструкция ишлари бошлаб юборилган. Хусусан, “Қорақалпоқ” МФЙдаги “Қорақалпоқ”, “Бобоҳожи” МФЙдаги “Боқимиришкор” ҳамда “Хоркаш” МФЙдаги 32-сонли оилавий шифокорлик пунктларини янгидан қуриш ва мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. “Қорақалпоқ” қишлоғидаги тиббиёт муассасаси учун 3 миллиард 200 миллион сўм, “Бобоҳожи” ва “Хоркаш” маҳаллаларидаги тиббиёт объектлари учун жами 8 миллиард сўм маблағ ажратилган. Объектларда “Buxoro stroy plus purplish”, “Inter global stroy”, “Бухара ремонт строй монтаж” МЧЖ каби пудратчи корхоналарнинг ишчи ва мутахассислари меҳнат қилмоқда.

Ушбу қурилишнинг бугунги ҳолати эртанги хизмат сифати учун муҳим омиллардан бири. Чунки замонавий тиббиёт муассасаси деганда фақат янги деворлар эмас, аҳолига қулай ва муносиб шароитда хизмат кўрсатиш имкони ҳам тушунилади. Шу боис қурилиш жараёнида сифат масаласи алоҳида назоратга олинган. Объектнинг ўз вақтида битказилиши билан бирга, унинг белгиланган талабларга мувофиқ қурилишига ҳам бирдек масъулият билан ёндашилмоқда. Ўрганишлар жараёнида ишларни белгиланган муддатларда ва сифатли ташкиллаштириш, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиш, аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш бўйича тегишли тавсия ва топшириқлар масъуллар зиммасига юкланди.

– Таълим ва тиббиёт объектларига йўналтирилаётган маблағлар аҳолининг энг зарур эҳтиёжлари билан боғлиқ вазифаларни қамраб олмоқда, – деди туман ҳокими. – Қурилиш ишлари қанчалик катта маблағ талаб қилишидан қатъи назар, унинг натижаси одамлар ҳаётида сезилгандагина ўз қийматига эга бўлади. Мактабда бола учун қулай синфхона, қўшимча ўқув хоналари ажратилса, дарс жараёни енгиллашса, шифокорлик пунктида фуқаролар зарур тиббий хизматни муносиб шароитда олиш имконига эга бўлсагина ўзгаришларнинг асл натижаси кўринади.

Туманда олиб борилган ўрганишлар замирида аҳоли манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Зеро, ҳар бир объектдаги ишларни бевосита жойига чиқиб кўздан кечириш, сифат ва муддат устидан қатъий назорат ўрнатиш фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш ва халқ розилигига эришишнинг энг муҳим кафолатидир.



Бағдодлик фуқаролар ғамхўрликдан мамнун бўлишмоқда

Бугун республикамиз аҳолисини барча қулайликларга эга уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида қурилиш индустриясига бўлган эътибор, соҳа ривожи учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳар қачонгидан кучайиб бормоқда. Нафақат вилоят марказлари, балки олис қишлоқларда ҳам замонавий лойиҳалар асосида қурилаётган ҳамда миллийликни ўзида мужассам этаётган бино-иншоотлар кўзни қамаштиради. Фарғона вилоятининг Бағдод туманида бу борада амалга оширилаётган ишлар бунга мисолдир.

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
журналист.

Туманда фаолият олиб бораётган ўнга яқин қурилиш ташкилоти ҳар бир юмушда сифатга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу каби ишлар Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан доимий назорат қилиб борилади. Шунингдек, барпо этилаётган бинолларнинг узоқ муддатга чидамлилиги, сейсмология ва зилзилабардошлиги қурувчиларнинг доимий эътиборида.

– Инвестиция дастури асосида молиялаштирилаётган маблағлар мақсадли йўналтирилмоқда, – деди Бағдод туман ҳокимлигининг Қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш бўлими мутахассиси Зойиржон Юсуфжонов. – Жумладан, бу мақсадлар учун жорий йилда 96.671.2 миллион сўм молиялаштирилди ва жойларда шу асосда ишлар ташкил қилиняпти. “Ултарма”, “Пахтаобод” ва Муқимий номли МФЙлар ҳамда “Дашт” массивида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Ултарма” МФЙдаги 52-сонли мактабга 120 ўринли янги бино ва 12х24 ўлчамдаги спорт зали қурилди ва мукаммал таъмирланди. Бунинг учун 4 миллиард 961 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, “Пахтаобод” МФЙ ҳудудидаги 55-сонли мактабнинг 210 ўринли ўқув биносини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда 180 ўринли бинони мукаммал таъмирлаш учун 3222,4 миллион сўм сарфланиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

Бу йил реновация дастури асосида “Ўзбекистон” МФЙ ҳудудида 637 хонадонга мўлжалланган 11 та кўп қаватли уй қурилиши 6 та ташкилот – “Шуҳратжон” ХК, “Обидхон Одилхон ўғли”, “Кроно строй”, “Фотих кўхинур”, “Магнит Булдинг” ҳамда “Қурилиш трест 014” МЧЖлар томонидан олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда ер ишлари поёнига етди. 40-уйнинг 2-қаватида калонна қуйиш ишлари тугади. 32-уйда келишув ишлари якунланиб, фуқаролар билан битим тузиш ишлари олиб борилмоқда.

Туман аҳолисининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида ҳудуддан ўтган асосий трассалар, маҳаллалардаги йўл ва кўчаларни шағаллаштириш, асфальтлаш ишлари ҳам туман ҳокимлигининг доимий диққат марказида. Ана шуни эътиборга олиб, катта Фарғона каналининг Чўринди қишлоғидан Дўрманча қишлоғигача бўлган 208 километр масофадаги асосий ва паст-баланд, ўйдим-чуқур йўлларга асфальт босилиб, бутунлай янгиланганидан икки қишлоқ аҳолиси мамнун бўлмоқда.

Жорий йилда Муқимий номли МФЙ ҳудудидан ўтган ва 43.014.1 миллиард сўм молиялаштирилган Д 105 “Фарғона ҳалқа йўли” автомобиль йўлининг 275 километр қисмини таъмирлаш учун ўтказилган тендер танловида “Romitan trans yo‘l qurilish” МЧЖ ғолиб деб топилди ва айни кунларда объектда жойлашган йўл ўтказгични реконструкция қилиниб, ости зичланиб, қозиқлар қоқиляпти. Бундан ташқари, йўлнинг 273-280 километр қисмида иш ташкил қилиш мақсадида тузилган лойиҳа экспертизага тақдим этилди. Ушбу йўлнинг 3,2-километрида пудратчи ташкилот – “Қўқон йўл таъмир” МЧЖ томонидан йўл оралиғида асфальт босиш учун асос тайёрлаш, йўл остидан бетон қувурлар ўтказиш ҳамда лоток ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, туманнинг дашт ҳудудидан ўтувчи “Тинчлик” каналини реконструкция қилиш мақсадида пудратчи “Imperial inshoot” МЧЖ томонидан 3.8 километр қисмини бетонлаштириш режалаштирилган. Ҳозирда 1500 метр бетонлаштириш ишлари олиб борилди. Йил охирига қадар лойиҳада кўрсатилган барча юмушларни тугаллаш учун жамоа қизғин меҳнат қиляпти.

Аҳолини уй-жой билан таъминлашга ҳар йилгидан-да катта эътибор қаратилмоқда. Туман марказидан 11 километр узоқликдаги дашт ҳудудидаги “Гулистон” шаҳарчаси тобора чирой очиб бормоқда. Шаҳарчадаги кўп қаватли уйларда яшаётган фуқароларнинг ҳукуматдан миннатдор бўлиб яшашлари учун барча қулайлик ва шароитлар яратилган. Бугун замон талаблари даражасида қурилган, миллийликни ўзида акс эттирган, гўзалликда бири-биридан қолишмайдиган хонадонларда истиқомат қилаётган фуқаролар учун зарур барча шароитлари яратилган. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, маданий-маиший инфратузилма объектлари аҳоли хизматида.

– Оилада учта келинмиз, ҳаммамизни фарзандларимиз бор, – деди ўзини Маҳлиё Сатторова деб таништирган аёл. – Вақт ўтгани сайин шунча инсон битта уйга сиғмай қолдик. Қайнона-қайнотам, хўжайиним билан маслаҳатлашиб, шаҳарчадаги 5 қаватли уйдан уч хонали хонадон сотиб олдик. Энди бу ердаги шароитни таърифлашга сўз ожиз. Уйда тасаввуримдан ҳам ортиқ имкониятлар борлиги мени лол қолдирди. Эътибор беринг-а, болалар боғчаси, замонавий мактаб, қатор хизмат кўрсатиш тармоқлари, савдо, маиший хизмат... э-ҳей айтаверсам, адоғи йўқ. Оддий қишлоқ аёли учун бундай имконият ва шароит яратиб берган Юртбошимизга, қўли гул қурувчиларга минг раҳмат.

Ҳозирги кунда шаҳарча янада кенгайиб, осмонўпар янги бинолар бўй кўрсатяпти. Хусусан, шаҳарча ҳудудида “Бағдод Пирамида” МЧЖ томонидан 5 қаватли, 1 подъездли, 20 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйларда бугунгача қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, “Олтиариқ дизайн” МЧЖ лойиҳаси асосида шаҳарча ҳудудида “Про Арч” ва “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖлар томонидан 1 ва уч подъездли, 5 қаватли уйлар қурилиши жадал олиб бориляпти.

Шаҳарчада истиқомат қилувчи фуқароларнинг саломатлигини тиклаш, узоғини яқин қилиш мақсадида ҳудудда 2025 йил инвестиция дастурига асосан, “426-ХКМК” МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 72 миллиард сўм бўлган 210 ўринли шифохона биносида қурилиш ишлари якунланиб, ишга тушириш арафасида. Ҳозир Европа давлатларидан энг сўнгги тиббиёт асбоб-анжомлари олиб келиниб, ўрнатиляпти. Бинода кўп тармоқли поликлиника, “Тез тиббий ёрдам” хизматлари жойлашади.

– Йил охиригача учта 5 қаватли, лифтли, икки ва уч хонали, ҳар бири 30 хонадонга мўлжалланган турар жой бинолари қуриляпти, – деди шаҳарчада иш олиб бораётган “Улуғбек булдинг инвест” ҳамда “Мустақил карвон элит” МЧЖлар ва Улуғбек номли қурилиш фирмаси прораби Жасурбек Акрамжонов. – “Бағдод пирамида” МЧЖ ва “Бағдодлик Аюбхон” ХК томонидан ҳар бири 5 қаватли, 1 ва икки хонали 30 та хонадон учун мўлжалланган уйлар қурилишида ким қандай вазифада бўлишидан қатъий назар, ишига масъулият билан ёндашмоқда. Ҳар бир қилинган ишда сифат доимий эътиборимизда.

Янги Ўзбекистон – эркинлаштиришдан юксак технологиялар давригача

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент Шавкат Мирзиёев сўнгги ўн йилликда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг якунлари ва келгуси стратегик вазифаларни белгилаб берди. Ушбу нутқ нафақат сиёсий, балки чуқур иқтисодий-илмий аҳамиятга эга бўлиб, унда мамлакат тараққиётининг институционал асослари, макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ҳамда узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ўз аксини топди.

Жамшид ШАРИПОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази Иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи.

Институционал либераллаштиришнинг иқтисодий самараси

Сўнгги йилларда амалга оширилган валюта, солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатидаги тизимли ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётининг очиқлик даражасини сезиларли ошириши билан характерланади. Бунинг натижаси сифатида Ўзбекистон халқаро “Иқтисодий эркинлик индекси”даги ўрнини 80 поғонага яхшилаб, “иқтисодиёти мўътадил эркин” тоифадаги давлатлар қаторидан жой олди.

Институционал ислоҳотларнинг бевосита иқтисодий натижаси тўғридан тўғри хорижий инвестициялар динамикасида яққол намоён бўлмоқда: агар аввалги даврда йиллик инвестиция оқими 2-3 миллиард долларни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 40–50 миллиард долларга етган. Бу ҳолат нафақат капитал киритилишининг кўпайганини, балки мамлакатга илғор технологиялар, менежмент тажрибаси ва инновацион билимларнинг интеграциялашувини ҳам англатади. Бу эса узоқ муддатли ўсиш салоҳиятини мустаҳкамлайдиган муҳим омилдир.

Макроиқтисодий барқарорлик

Иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги нутқда алоҳида таъкидланган жиҳатлардан бири бўлди. Уч йил аввал 2030 йилга мўлжалланган 160 миллиард долларлик ялпи ички маҳсулот ҳажмига эришиш мақсади глобал логистик узилишлар ва геосиёсий нотурғунликка қарамасдан, белгиланган муддатдан олдин – жорий йилнинг ўзида амалга оширилиши таъкидланди. Бу натижа макроиқтисодий сиёсатнинг мослашувчанлиги ва ислоҳотлар самарадорлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткич сифатида баҳоланиши мумкин.

Ижтимоий соҳада эришилган натижалар ҳам диққатга сазовор: камбағаллик даражаси



2017 йилдаги 35 фоиздан 4 фоизга туширилди, натижада тахминан 10 миллион аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши кузатилди. Бундай кескин қисқариш, биринчи навбатда, “маҳаллабай ишлаш” тизими орқали аҳолининг эҳтиёжларини аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш механизмининг жорий этилиши билан изоҳланади. Шунингдек, ёшларнинг иқтисодий фаолликка жалб этилиши натижасида бугунги кунда мамлакатдаги тадбиркорлик субъектларининг 35 фоизини ёш тадбиркорлар ташкил этмоқда, бунга ҳар йили давлат томонидан 20–25 триллион сўм миқдорида маблағ ажратилмоқда.

Келгуси ўн йилликнинг стратегик йўналишлари

Нутқда белгиланган учинчи миллий дастур доирасида иқтисодиётни юқори технологиялар ва меҳнат унумдорлигига асосланган янги моделга ўтказиш вазифаси қўйилди. Бу борада қуйидаги мақсадли кўрсаткичлар белгиланган:

- келгуси 10 йилда 450 миллиард доллар миқдорида хорижий инвестиция жалб қилиш;
- 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш;
- саноат тармоғида 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратиш;
- келгуси 10 йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини 10 минг долларга етказиш.

Ушбу кўрсаткичлар мамлакат иқтисодиётининг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишини англатади: экстенсив ўсиш омилларидан интенсив, инновацияга асосланган ривожланиш моделига силжиш назарда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес субъектларининг ўрта бизнесга, ўрта корхоналарнинг эса йирик компания ва корпорацияларга айланиши учун яхлит бизнес экотизимини шакллантириш алоҳида ўрин тутади.

Инновацион иқтисодиёт ва ёшлар салоҳияти

Иқтисодий ўсишнинг янги драйверлари сифатида стартап экотизими, венчур молиялаштириш ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш устувор йўналишлар қаторига киритилди.

Бундай ёндашув ёшлар интеллектуал салоҳиятини инновацион тадбиркорлик фаолиятига айлантириш, шунингдек юқори қўшилган қиймат яратувчи иқтисодий фаолият турларини кенгайтиришга хизмат қилади. Илмий-таҳлилий нуқтаи назардан, бу стратегия инсон капитали сифатини иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айлантириш концепциясига мос келади.

Ресурслардан оқилона фойдаланиш ва иқтисодий дипломатия

Экологик барқарорлик масаласи ҳам иқтисодий стратегиянинг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқилди. Келгуси беш йил ичида экин майдонларида сув тежамкор технологиялар қамровини 100 фоизга етказиш, шунингдек, яқин йилларда туман ва шаҳар марказларида яшил ҳудудлар улушини 30 фоизга ошириш режалаштирилган. Бу кўрсаткичлар ресурс самарадорлигини оширишга йўналтирилган давлат сиёсатининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Шу билан бирга, иқтисодий дипломатия ташқи иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида давом эттирилиши таъкидланди. Халқаро ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш орқали инвестициявий оқимларни диверсификациялаш, технология трансфертини кучайтириш ва ташқи иқтисодий алоқалар географиясини кенгайтириш мақсад қилинган.

Президентнинг мазкур нутқида баён этилган иқтисодий ислоҳотлар якунлари ва стратегик вазифалар Ўзбекистон иқтисодиётининг институционал жиҳатдан очиқлашуви, макроиқтисодий барқарорлиги ва инновацион ривожланиш салоҳиятини яхлит тизим сифатида намоён этади. Келгуси ўн йилликка мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар – инвестициялар ҳажмининг ошиши, ЯИМнинг ўсиши, юқори технологик тармоқларнинг ривожланиши ва ижтимоий адолатнинг мустаҳкамланиши – мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Аниткабир

миллат хотираси барпо этилган меъморий мажмуа



Туркия пойтахти Анқара шаҳри қиёфасида шундай бир иншоот борки, уни оддий меъморий ёдгорлик сифатида баҳолаш унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Бу – Отатурк мақбараси жойлашган Аниткабир мажмуасидир. Унда тарих, миллий хотира, давлатчилик ғояси ва меъморлик санъати бир бутун меъморий композицияга айланган. Шу боис Аниткабирни фақат бир шахсга бағишланган мақбара эмас, балки Туркиянинг замонавий тарихини ўзида мужассам этган рамзий макон сифатида ҳам талқин қилиш мумкин.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мустафо Камол Отатурк вафотидан сўнг унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида муносиб мемориал мажмуа барпо этиш масаласи кун тартибига чиқади. Натижада Анқарадаги Расаттепа тепалиги танланади. Бу жойнинг баландлиги ва шаҳарга нисбатан устун мавқеи мажмуанинг рамзий аҳамиятини янада кучайтиради. Қурилиш ишлари 1944 йилда бошланиб, асосий мажмуа 1953 йилда тўлиқ якунланади.

Аниткабир лойиҳаси халқаро танлов асосида танланган бўлиб, унда меъморлар Эмин Онат ва Орҳон Арда томонидан таклиф этилган ечим ғолиб деб топилади. Уларнинг ёндашувида тарихийлик билан замонавийликни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Натижада қадимги Анадолу ва туркий меъморчилик анъаналарига хос айрим шакллар замонавий монументал архитектура билан бирлаштирилди.

Мажмуа қурилишида нафақат муҳташамлик, балки ҳар бир меъморий деталнинг ғоявий юкига ҳам эътибор берилган. Бино ва майдонлар ўртасидаги мутаносиблик, кенг очиқ ҳудудлар, колонналар, тош конструкциялар ва геометрик аниқлик Аниткабирга жиддий ва салобатли қиёфа бахш этади. Шу жиҳатдан мажмуа архитектуранинг инсонда муайян руҳий ҳолат уйғотиш имкониятини яққол намоён этади.

Тарих ва меъморлик уйғунлиги

Аниткабир композицияси бир нечта асосий қисмдан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири умумий ғояни тўлдиради. Мажмуага олиб кирувчи Узун йўл, Тантанали майдон, Арслонлар йўли, Шон-шараф зали ва Отатурк мақбараси унинг асосий меъморий элементларидир. Бу қисмлар шунчаки бир-бирига туташган иншоотлар эмас, балки ташриф буюрувчини босқичма-босқич тарихий ва маънавий муҳитга олиб кирувчи яхлит архитектура тизимини ҳосил қилади.

Айниқса, Арслонлар йўли – мажмуадаги рамзий элементлардан бири ҳисобланади. Йўлнинг икки томонида жойлаштирилган 24 жуфт арслон ҳайкали Ҳиттлар даври санъатидаги ҳайкалтарошлик анъаналарини эслатади. Арслонлар ҳаракат ҳолатида тасвирлангани сабабли уларда куч, ҳимоя ва мустақиллик ғоялари ифодаланади. Йўлнинг ўзи эса ташриф буюрувчини асосий мақбара томон йўналтириб, мажмуанинг марказий ғоясига тайёрлайди.

Тантанали майдон эса архитектуранинг кенглик ва масштаб имкониятларини намоён қилади. У ерда инсон ва иншоот ўртасидаги нисбат атайлаб катта кўламда ташкил этилган. Натижада ташриф буюрувчи ўзини оддий бино олдида эмас, балки бутун бир тарихий воқеликни англашга чорловчи муҳитда ҳис қилади.

Мақбаранинг ўзи мажмуанинг композицион маркази саналади. Унинг тўғри чизиқли, оғир ва монументал шакллари классизмга хос тартиб ва мутаносибликни эслатса-да, меъморий ечимларда қадимги Анадолу цивилизациялари ва туркий меъморчилик меросининг таъсири ҳам сезилади. Шу сабабли Аниткабирни биргина меъморий услуб доирасига киритиш қийин. Унда неоклассик ёндашув, монументализм ва миллий меъморий анъаналар ўзаро уйғунлашган.

Мажмуадаги музей ва экспозиция заллари эса унинг тарихий-маърифий аҳамиятини кенгайтиради. Бу ерда Туркия Республикасининг ташкил топиши, Миллий озодлик уруши ва Отатурк ҳаёти билан боғлиқ кўплаб ашёлар, ҳужжатлар ва экспонатлар сақланади. Демак, Аниткабир архитектура ва музей фаолиятини бирлаштирган тарихий мажмуа сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Тошга муҳрланган миллий хотира

Аниткабирнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унинг меъморий қиммати фақат ташқи кўриниш билан чекланмайди. Бу мажмуада ҳар бир йўлак, майдон, ҳайкал ва бино муайян тарихий хотирани ифодалайди. Шу маънода архитектура бу ерда жим турган, аммо кучли таъсирга эга бўлган тарихий тил вазифасини бажаради.

Мажмуадаги девор ва залларда турк миллий озодлик ҳаракати, мустақиллик учун кураш ва республика барпо этилиши билан боғлиқ мавзулар ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат орқали акс эттирилган. Айрим композицияларда халқнинг оғир синовлари, бошқаларида эса ғалаба ва келажакка ишонч ғояси ифодаланади. Шу тариқа санъат асарлари архитектура билан бирлашиб, ягона тарихий ҳикояни яратади.

Аниткабирнинг шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ҳам ўзига хос аҳамияти бор. Анқаранинг баланд нуқталаридан бири бўлган Расаттепада жойлашган мажмуа шаҳар панорамасининг муҳим визуал белгисига айланган. Яъни иншоот шаҳардан ажралиб турган ёдгорлик эмас, балки пойтахтнинг меъморий қиёфасини шакллантирувчи доминантлардан бири сифатида намоён бўлади.

Бугун Аниткабирга келган инсон унинг улкан ҳажми ёки меъморий салобатидан ташқари, маконнинг ички таъсирини ҳам ҳис қилади. Узун йўлдан бошланган ҳаракат, арслонлар билан безатилган йўлак, кенг майдон ва ниҳоят мақбарага етиб бориш – барчаси муайян сценарий асосида қурилган меъморий саёҳатни эслатади. Бу эса архитектуранинг фақат қурилиш эмас, балки инсон тафаккури ва ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатувчи санъат эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Аниткабир мисолида тарихий хотирани асраш ва уни замонавий меъморлик тилида ифодалашнинг ўзига хос намунасини кўриш мумкин. Эмин Онат ва Орҳон Арданинг меъморий ечими бир томондан Туркиянинг тарихий-маданий илдизларига таянса, иккинчи томондан XX аср монументал архитектурасининг талабларини ўзида мужассам этган. Шу боис, мажмуа орадан етмиш йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай, ўз таъсирчанлиги ва меъморий яхлитлигини сақлаб келмоқда.

Энг муҳими, Аниткабир архитектуранинг вақт билан муносабатини намоён этади. Бугунги авлод учун у ўтмиш ҳақида ҳикоя қилувчи ёдгорлик бўлса, эртанги авлод учун ҳам миллий хотира ва давлатчилик тарихининг муҳим белгиси бўлиб қолади. Зеро, ҳақиқий меъморлик асари фақат тош, бетон ва мармардан бунёд этилмайди – унинг ҳақиқий қиймати унга сингдирилган ғоя, тарих ва инсон хотираси билан белгиланади. Аниткабир эса ана шу маънода тошга муҳрланган, аммо авлодлар онгида яшашда давом этадиган миллий хотира тимсолидир.

“Муборакнефтгазмонтаж” АЖ

БОШ ДИРЕКТОРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ!

“Муборакнефтгазмонтаж” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПФ-101-сонли Фармони, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва жамият Уставига асосан ижро этувчи органнинг бош директори лавозимига номзодлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда чет эл давлатлари фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР:
- тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлиш;
- қурилиш-монтаж ишлари соҳасидаги бошқарув лавозимларида камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш;
- корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилини амалга ошириш қобилияти;
- давлат ва рус тилларида эркин мулоқот қилиш (инглиз ва бошқа чет тилларини билиш маъқулланади);
- компьютер дастурларида мукаммал ишлай олиш, янги IT ресурсларини билиш ва улардан самарали фойдалана олиш;
- корпоратив бошқарув бўйича малакага эга бўлиш.

ШАХСИЙ ВА КАСБИЙ ФАЗИЛАТЛАР:
- масъулиятлилик, интизомлилик, ташаббускорлик ва креативлик;
- стратегик ва оператив қарорлар қабул қила олиш қобилияти;
- жамоа тузиш ва унинг фаолиятини самарали ташкил эта билиш;
- тартиблилик, мулоқотга кириш лаёқати ва таҳлилий фикрлаш қобилияти;
- музокаралар олиб бориш тажрибаси ҳамда тиғиз шароитда натижали ишлай олиш қобилияти.

ҚУЙИДАГИ ШАХСЛАР ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТА ОЛМАЙДИ:
- олий маълумоти бўлмаган ёки раҳбарлик лавозимида етарли (камида 2-3 йил) иш тажрибасига эга бўлмаган шахслар;
- ўз айби билан лицензия талаблари бузилгани сабабли лицензияси бекор қилинган вақтда раҳбар бўлган ва бундан уч йил кам вақт ўтган шахслар;
- иқтисодиёт ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки коррупцияга оид жиноятлар реестрига киритилган шахслар;
- суд ҳукмига биноан муайян лавозимда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар;
- раҳбарлик даврида ташкилот банкрот деб топилган ва бундан икки йил кам вақт ўтган шахслар;
- давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан турли хил кўринишдаги даъво аризалари ва бошқа ҳаракатларни амалга оширган шахслар;
- 25 ёшга тўлмаган ва 60 ёшдан ошган фуқаролар.

МУҲРЛАНГАН ЁПИҚ КОНВЕРТДА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР:
1. Танловда қатнашишга розилиги, ҳужжатлар ҳаққонийлигини тасдиқлаши ва ғолиб бўлганда шартнома тузишга розилиги билдирилган ўз қўли билан ёзилган ариза.
2. Белгиланган шаклдаги маълумотнома-объективка.
3. Батафсил ёзилган автобиография (оилавий ҳолати, яқин қариндошлари ва уларнинг иш жойи, жиноий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги маълумотлар билан).
4. Паспорт нусхаси.
5. Диплом, иш стажини ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда сертификатлар.
6. Рангли фотосурат (9х6 см, 1 дона).
7. Мавжуд бўлса: давлат мукофотлари, Вазирлар Маҳкамасининг қўллаб-қувватлаш хати ва давлат ташкилотлари томонидан берилган камида 2 та ҳурмат ёрлиғи.
8. Алоқа учун маълумотлар (телефон рақами, электрон почта, манзил).

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Танлов комиссия томонидан икки босқичда амалга оширилади:

1-босқич: номзодларни тақдим этилган ҳужжатлар ва қўшимча ўрганишлар асосида баҳолаш ҳамда энг юқори балл тўплаган 3 нафаргача номзодни қисқа рўйхатга (шорт-лист) саралаб олиш.

2-босқич: сараланган номзодлар ичидан ғолибни аниқлаш учун суҳбат ўтказиш (суҳбат томонлар келишувига кўра видеоконференцалоқа орқали ўтказилиши ҳам мумкин).

Суҳбатдан бош тортган ёки келмаган номзод танловдан четлатилади.

МУДДАТ ВА МУРОЖААТ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: 2026 йил 23 сентябрдан 23 октябргача соат 20.00 гача.

Ҳужжатларни топшириш бўлими: “Муборакнефтгазмонтаж” АЖ Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича бўлими.

Манзил: Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳар, Ёшлик маҳалласи, Занжирсарой кўчаси.

Маълумот учун телефон: +998 97 229-12-73 (А. Қосимов).

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 25 – 28 сентябрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Абдулазизбек Азимов,** Молия-иқтисод, бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Ғолибжон Худойбердиев,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар иш бошқарувчиси **Алишер-хўжа Саидкаримов,** Бино ва иншоотлар қурилиши бўйича етакчи мутахассис **Ғайрат Усмонов,**

“Коммунал лойиҳа илмий тадқиқот институти” Давлат муассасаси “Жанубий” филиали етакчи муҳандиси **Усмонбек Хурсандов,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ кадрлар бўйича инспектори **Умида Якубова,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Нигора Расулматова,** “Фарғона” филиали архитектори **Исломбек Орифжонов,** хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси фарроши **Дилфуза Алиева,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги туман (шаҳар) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси етакчи мутахассиси **Алишер Куандиков,** Нукус шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Жанғазы Мурзакулов,**

Андижон вилояти Марҳамат тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича етакчи мутахассиси **Отабек Асқаралиев,**

“Иссиқлик таъминоти” АЖ Бухоро вилояти филиали созловчиси **Фарҳод Қаҳҳоров,** хизматчи **Хафиза Тўраева,** Самарқанд вилояти филиали Энергия ресурслари ҳисоб-китоби бўйича бош мутахассиси **Орзимурод Баҳриев,** Қашқадарё вилояти филиали Нишон бўлими бошлиғи **Жамшид Кабилов,** метролог **Нўъмон Жалилов,** Тошкент вилояти Зангиота тумани филиали 1-сонли қозонхона оператори **Санжарбек Абдусаломов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Айман Мамбеткаримова,** мутахассис **Камаратдин Сейтжанов,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Фарҳод Сувонқулов,**

Бухоро вилояти Бухоро туманидаги “New ideal city” БСК МЧЖ бош директори **Суннат Раҳматов,** Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги “Жаҳонгир янги қурилиш” БСК МЧЖ бош директори **Темур Мўминов,** Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Dilnur Kommunal” БСК МЧЖ бош директори **Дилшод Бекмуродов,** “Excellent Services From Nigora” БСК МЧЖ бош директори **Нигора Юсупова,** Яшнобод туманидаги “Jmm Grin” БСК МЧЖ бош директори **Жавоҳир Каримов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўлида жойлашган (СТИР: 200692037, индекс: 180800) “Косон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти (“Koson paxta tozalash” AJ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Асос: “Косон пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2026 йил 14 сентябрдаги жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги 3-сон қарори.

Тугатилаётган “Косон пахта тозалаш” АЖ бўйича мурожаатлар тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан санадан эътиборан икки ой давомида Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўлида жойлашган биносида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 99-529-45-55, +99888-639-39-77.

“Косон пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 941.
1241 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – 22.27 Топширилди – 23.23.